



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 10 апрель, № 69-70 (7027-7028)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Давлат харидлари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 25 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши: ривожлантириш давлат дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларида назарда тутилган лойиҳаларни, шунингдек давлат буюртмачиларининг ҳўжалик фаолиятини рўёбга чиқаришда амалга ошириладиган давлат харидларига;

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетлари ва бошқа давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан донор мамлакатлар, халқаро, ҳукуматга қарашли бўлган ва ҳукуматга қарашли бўлмаган чет эл ташкилотлари билан тузилган шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат харидларига нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ давлат харидлари стратегик субъектлари амалга оширадиган давлат харидларига, ривожлантириш давлат дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларида назарда тутилган лойиҳаларни рўёбга чиқаришда амалга ошириладиган давлат харидлари бундан мустасно;

давлат томонидан ҳимоя қилиниши лозим бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасида мудофаа қобилиятини, хавфсизлиқни таъминлаш ва ички тартибни сақлаш учун амалга ошириладиган давлат харидларига, шунингдек давлат сирлари билан боғлиқ бўлган давлат харидларига;

фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларига;

агар донор мамлакатларнинг, тегишли халқаро, ҳукуматга қарашли бўлган ва ҳукуматга қарашли бўлмаган чет эл ташкилотларининг тартиб-таомилларида ёки Ўзбекистон Республикасининг қафолати остида чет эл кредитларини ва чет эл грантларини тақдим этиш шартларида товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг референдумларига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун амалга ошириладиган давлат харидларига;

суд муҳокамаларида иштирок этиш учун адвокат (вакил) тайинланиши билан боғлиқ давлат харидларига;

нархлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий белгиланган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **давлат буюртмачиси** — давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс;

давлат хариди — товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш;

давлат харидларининг субъектлари — давлат буюртмачиси, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси, давлат харидларининг ижросини, харид комиссияси, махсус ахборот портали оператори ва эксперт; **давлат харидлари тўғрисидаги шартнома** — давлат харидлари бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида давлат буюртмачиси ва давлат харидларининг ижросини ўртасида тузиладиган битим;

махсус ахборот портали — операторнинг давлат харидлари ўтказилишини, давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар, давлат харидлари якунлари, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг тақлифлари ҳақидаги ахборотнинг ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ахборотнинг электрон шаклда жойлаштирилишини ва кўрилишини, шунингдек электрон давлат харидлари ўтказилишини таъминловчи веб-сайти ва махсус электрон платформаси;

махсус ахборот портали оператори — давлат харидларининг субъектларига харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш, махсус ахборот порталига эълонларни, буюртманомаларни ҳамда давлат харидлари ва уларнинг якунлари тўғрисидаги бошқа ахборотни жойлаштириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи махсус ваколатли юридик шахс;

харид қилиш тартиб-таомили — давлат хариди бўйича ҳатти-ҳаракатлар мажмуи;

эксперт — ҳулоса бериш учун махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс;

(Давоми 2, 3, 4, 5-бетларда)

БУЮК СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Амир Темур таваллудининг 682 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди.



Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Нозим Ҳабибуллаев, Қозоғистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ерик Утембаев ҳамда бошқалар соҳибқирон нафақат ўз давридаги энг қудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, балки Осиё ҳамда Европа

қитъаларида рўй берган тарихий ўзгаришларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган Шахс эканини таъкидлашди.

Бугун Амир Темур ва темурийларнинг миллий давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик ҳамда бошқа соҳалардаги улкан меросини ўрганишга қизиқиш жаҳон

микёсида тобора ортиб бормоқда. Юртимиз ва хорижда темурийларнинг дунё тамаддуни равнақига қўшган улкан ҳиссасига оид қўллаб-бадий, публицистик асарлар яратилаётир, илмий тадқиқотлар олиб борилаяпти. Буларнинг барчаси соҳибқирон Амир Темур шахсияти ҳамда уни улғайтирган замин, тарихий шарт-шароитга доир

янги-янги қирраларни кашф қилиш-да муҳим аҳамият касб этмоқда.

Амир Темур ўз тузуқларида “...амр эъдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўқартирса, ёҳуд бирон ҳароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нима олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили

(эса олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар”, деб ёзади. Ана шундай адолат асосида ўрнатилган тартиб-таомиллар мамлакатда тинчлик-осойишталикни таъминлаган, одамларни ҳалол меҳнат қилишга, тадбиркорлик, яратувчанлик руҳи билан яшашга ундаган.

(Давоми 6-бетда).



Москвада Ўзбекистонни эслатувчи нечта маскан бор?

Россия Федерацияси пойтахтидан махсус муҳбиримиз Омонулла ФАЙЗИЕВ хабар қилади.



Бугунги кунда Москва шаҳрида қарийб 194 миллат ва элат вакиллари яшайди. Улар орасида ўзбек халқига бўлган муносабат, эҳтиром ҳавас қилса арзигулик даражада эканлиги кишини қувонтиради. Чунки шаҳар

бўйлаб сайрда қай бир россиялик билан суҳбатлашманг, барчаси Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар ҳақида ҳурмат билан сўз айтида. Бинобарин, Россия пойтахтида юртимиз билан боғлиқ бир қатор кўчалар ҳамда ёдгорликлар ҳам борки, улар табиий равишда қўнғилимизда фахру ифтихор туйғуларини уйғотади.

Мамлакатимизнинг бош шаҳри Тошкент кўчаси Москванинг Жануби-Шарқий ҳудудида жойлашган. “Кузьминки” хиёбонида қадар етаклаб борувчи ушбу кўчанинг узунлиги 2,2 километр. Унга мазкур ном 1967 йилнинг 13 декабрида берилган. Москваликлар кўчанинг бундай аталишини 1966 йилда Тошкентда рўй берган муҳиш зилзила билан боғлашади. Маълумки, табиий офатдан сўнг шаҳарни ободонлаштиришда барча миллат вакиллари бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишган. Чунончи, Москва шаҳридан ҳам бир қатор мутахассислар ушбу хайрли ишларга жалб этилган. Шулардан бири 76 ёшли Андрей Заголаевдир. Отахоннинг айтишича, ўша пайтда россияликлар Тошкентда ўзбекларнинг жамоавий руҳда ахил ва ҳамжиҳат бўлиб аниқ тартиб ҳамда тизим билан меҳнат қилгани, мисли кўрилмаган шиддату шижоат кўрсатганига ғувоҳ бўлиб, ўз хайратларини яшира олишмаган экан. Шундай қийин вазиятда бутун бир катта

Халқ сўзи
Народное слово

Йўлланмаси
билан

шаҳарнинг ягона оила бўлиб фойдAILик кўрсатганининг таърифи собиқ Иттифокнинг барча ўлкасига тарқалган. Ҳақиқатан ҳам, тошкентликлар ўз матонатлари билан қаҳрамонга айланган эдилар. Орадан қўл вақт ўтмай қаддини ростлаган Тошкент москваликларнинг ҳам фаҳрига айланди. Айнан шундан сўнг биз юқорида айтган катта кўчалардан бирига Ўзбекистон пойтахти номи берилган. Москванинг Тошкент кўчасида Давлат гуманитар университети, “Вихино” кўрғазмалар зали каби йирик бинолар мавжуд.

(Давоми 6-бетда).



«Muloqot» мобиль иловаси — синовда

Ҳар бир мурожаат этувчи ўз масаласи ортиқча сансалорликларсиз ечим топишини хоҳлайди. Бугун барча соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари изчил ва тизимли татбиқ этилаётгани фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишда ҳам қулайлик яратишни тақозо қилмоқда.

ПЛАМЕНТАДАГИ МУХБИРИМИЗ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган “Muloqot” мобиль иловаси тақдиротида шулар хусусида сўз юритилди. Парламент кўйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда “Micros Development” компанияси томонидан ишлаб чиқилган мазкур мобиль илованинг аҳамиятли жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

Таъкидланган индекс, “Muloqot” мобиль иловаси парламентнинг жамоатчилик билан алоқалари сифатини яхшилаш билан бир қаторда, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш жараёни устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши-

ни таъминлайди. Бинобарин, у ҳар бир фуқарога реал вақт режимида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига мурожаатларни осон ҳамда тезкор юбориш имконини беради. Иловадан ўзбек ва рус тилларида фойдаланиш мумкин.

Мобиль илова мурожаат қилувчиларнинг шахсга доир маълумотлари ҳамда шахсий ахборотлари ошкор этилмаслиги ва зарур хавфсизлиқни таъминловчи Ўзбекистон Республикаси электрон ҳукумат фойдаланувчиларини идентификация қилиш Ягона тизими “OneID” билан интеграциялашган.

(Давоми 6-бетда).



Ипакчилик ривожиди ноёб лойиҳа



Хамкорлик

Юртимиз “Ўзбекистон — Европа ипакчилик форуми” ҳамда табиий ипак матоларидан тайёрланган миллий либослар намоиёиши бўйича илк йирик анжуманга мезбонлик қилмоқда. Мазкур нуфузли тадбирга халқаро миқёсда катта қизиқиш билдирилиб, унда қатнашиш мақсадида Европанинг ўнга яқин давлатларидан турли вазирлик ва идоралар, ипакчилик компаниялари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар мутасаддилари ташриф буюрди.

Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон ипак толаси ишлаб чиқариш бўйича Хитой ҳамда Хиндистондан кейин дунёда учинчи ўринда тура-са, аҳоли жон бошига тўғри

келадиган улуши борасида жаҳонда етакчи ҳисобланади. Агар 2021 йилгача хом ипак ишлаб чиқариш ҳажми-ни икки баробар ошириш, ипак мато тайёрлашни

қарийб саккиз марта кўпайтириш кўзда тутилганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги ютуқлар муваффақиятларнинг бошланиши эканилиги ойдинлашади.

(Давоми 6-бетда).



«АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗГА АЙЛАНИШИ ШАРТ»

Конституциямизнинг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принцип-ларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, дея белгиланган. Шунга мувофиқ, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ эркинликларини

таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари гоёсини қўллаб-қувватлаш халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзагини ташкил этади. 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация-сининг 1-моддасида инсон ҳуқуқла-ри тизимининг энг муҳим қоидала-

ри ўз ифодасини топган. Унга кўра, эркинлик, тенглик ва бағрикенглик тамойилларига асосланган ҳуқуқлар инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисмидир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамятини янада ривожлантириш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Бунда 2017 —

2021 йилларда Ўзбекистон Респу-бликасини ривожлантиришнинг беш-та устувор йўналиши бўйича Ҳара-катлар стратегияси дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил декабрь ойидаги “Ўзе-бекистон Республикаси Конституция-си қабул қилинганлигининг йигир-ма беш йиллиги муносабати билан

афв этиш тўғрисида”ги Фармони ўзбек халқининг кечиримлилик, раҳмдиллик ҳамда бағрикенглик каби азалий қадриятларининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлди.

Шу пайтгача ҳар йили амнистия тўғрисида ҳужжатлар қабул қилин-ган. Лекин амнистия озодликка чиқариладиган шахсларнинг аниқ гу-руҳини белгиламасди. Амнистия тўғрисидаги актда фақат жиноят турлари кўзда тутилиб, озодликка чиқариладиган шахслар амнистия тўғрисидаги ҳужжат ижросини таъминлаш жараёнида аниқланарди.

(Давоми 7-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Давлат харидлари тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

22-модда. Давлат харидларини режалаштириш

Давлат харидларини режалаштириш давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади ва харидларни тизимлаштиришдан, давлат харидларини режалаштириш ҳамда бюджет ва инвестиция жараёнларидаги режалаштириш ўртасида ўзаро алоқани таъминлашдан иборат бўлади.

23-модда. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари

Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қуйидагилардан иборат: электрон дўкон; бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион; танлов; тендер; ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари.

Давлат харидлари электрон шаклда амалга оширилиши мумкин.

Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ваколатли орган томонидан белгиланади.

24-модда. Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар қиради: давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари; давлат харидларининг режа-жадваллари; давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар; ҳужжатларнинг шакллари; харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш учун зарур бўлган намунавий шартномалар; давлат харидларининг якунлари тўғрисидаги ахборот; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри; Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарорлари; давлат харидлари бўйича статистик ахборот. Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталида эълон қилинади. Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ, ҳолис ва ишончли бўлиши керак.

25-модда. Баҳолаш мезонлари ва тартиб-таомилларига тааллуқли қондалар

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларига тааллуқли баҳолаш мезонлари: нарх; етказиб бериш базиси; етказиб бериш муддатлари; тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари; тўлов ва кафолатлар шартлари; муайян даврда фойдаланиш, эксплуатация қилиш ва таъмирлаш харажатларини назарда тутadi. Давлат буюртмачиси томонидан белгиланadиган давлат хариди шартларида қуйидагилар бўлиши керак: ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган барча баҳолаш мезонлари; барча баҳолаш мезонларининг нисбий қиммати; баҳолаш тартиб-таомиллари доирасида баҳолаш мезонларини қўллаш тартиби. Ғолиб бўлган таклифни баҳолаш ва аниқлашда давлат буюртмачиси фақат харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган баҳолаш мезонлари ва тартиб-таомилларидан фойдаланади ҳамда бу мезонлар ва тартиб-таомилларни ушбу ҳужжатларда баён этилган тартибда қўлайди.

26-модда. Давлат харидлари қийматини баҳолашга тааллуқли қондалар

Давлат харидлари қийматининг бозор нархларига мувофиқлигини баҳолаш учун давлат буюртмачиси очик ахборот манбаларидаги маълумотлардан фойдаланади.

27-модда. Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидлари тавсифига ва шартнома шартларига тааллуқли қондалар

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди тавсифи ҳолис, функционал ва умумий хусусиятга эга бўлади. Тавсифда товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидининг тегишли техник, сифат ва эксплуатация қилиниш хусусиятлари кўрсатилади.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидлари тавсифи таснифларини, режаларни, чизмаларни, эскизларни, талабларни ҳамда синовлар ва синов усуллари, қадоқлаш, тамгалаш ҳақидаги ёки мувофиқлик сертификати, шунингдек шартли белгилар ва атамалар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олиши мумкин.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди тавсифига аник товар белгисига ёки номига, патентга, конструкцияга ёки моделга, у мансуб бўлган муайян манбага ёки ишлаб чиқарувчига доир талаблар ёки ҳаволалар киритилмаслиги керак, бундан товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди хусусиятларини таърифлашининг бошқа етарлича аниқ усули мавжуд бўлмаган ҳоллар мустасно ва бунда товарларни (ишларни, хизматларни) бошқа бир ишлаб чиқарувчининг эквивалент товарлари (ишлари, хизматлари) билан алмаштириш имконияти тўғрисидаги эслатма киритилиши керак.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди тавсифида қуйидагилар бўлиши керак:

товарларнинг сони; бажарилиши (кўрсатилиши) керак бўлган ишлар (хизматлар);

товарлар етказиб берилиши лозим бўлган ёҳуд ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилиши керак бўлган жой; товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишининг мақбул ёки талаб этилган муддатлари, агар улар мавжуд бўлса.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидига доир ҳужжатларда харид қилинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат буюртмачиси томонидан белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш имконини берадиган кўрсаткичлар бўлиши керак. Бунда шундай кўрсаткичларнинг энг қўп ва (ёки) энг кам қийматлари, шунингдек ўзгартирилиши мумкин бўлмаган кўрсаткичларнинг қийматлари кўрсатилади.

Зарур бўлган ҳолларда давлат буюртмачиси товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) кафолат муддатиға ва (ёки) уларнинг сифатига бериладиган кафолат ҳажмига, товарга кафолат қилимати кўрсатишга, товардан фойдаланиш харажатлариға, товарни монтаж қилиш ва созлашининг мажбурийлиғига, товардан фойдаланувчи ва унга хизмат кўрсатувчи шахсларни ўқитишга доир талабларни белгилayди.

Машиналар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчи ижрочи аниқланган тақдирда давлат буюртмачиси давлат харидига доир ҳужжатларда товарнинг кафолат муддатиға ва (ёки) унинг сифатига бериладиган кафолат ҳажмига, товарга кафолат қилимати кўрсатишга, товарга кафолат муддати мобайнида хизмат кўрсатиш харажатлариға, шунингдек товарни монтаж қилиш ва созлашға, агар бу товарнинг техник ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, талаблар белгилayди. Янги машиналар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчи ижрочи аниқланган тақдирда давлат буюртмачиси давлат хариди тўғрисидаги ҳужжатларда ушбу товарни ишлаб чиқарувчининг ва (ёки) етказиб берувчининг кафолатини тақдим этишға

ҳамда бундай кафолатнинг амал қилиш муддатиға нисбатан қўшимча равишда талаблар белгилayди. Бундай кафолатни бериш ушбу товар билан бирға амалға оширилады.

Агар товарларнинг давлат хариди тавсифида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, етказиб берилаётган товар янги бўлиши керак.

Товарни ишлаб чиқарувчига, иштирокчига доир талабларни, шу жумладан иштирокчининг малакасига қўйилган талабни товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди тўғрисидаги ҳужжатларға (шу жумладан товарнинг, ишининг ёки хизматнинг сифатига, техник хусусиятлариға доир талаблар, товарнинг функционал хусусиятлариға (истёмо́л қилиш хусусиятлариға) доир талаблар шаклида) киритишға йўл қўйилмайди.

28-модда. Давлат харидларининг тили

Давлат харидлари тўғрисидаги ахборот давлат тилида, шунингдек давлат буюртмачисининг ихтиёриға кўра бошқа тилларда эълон қилинади ва тарқатилады.

29-модда. Иштирокчиларға қўйиладиган талаблар

Иштирокчилар қуйидаги мезонларға мувофиқ бўлиши керак: шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиғи;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эғалик; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиқнинг мавжуд эмаслиғи; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиғи; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиғи.

30-модда. Иштирокчиларға қўшимча талаблар қўйиладиган давлат хариди

Давлат буюртмачиси зарур бўлганда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иштирокчиларға қўшимча талаблар белгилашға ҳақли.

Иштирокчиларға қўйиладиган қўшимча талаблар ушбу Қонунда белгиланган принципларға зид бўлмаслиғи керак.

Иштирокчиларға қўйиладиган қўшимча талаблар давлат хариди тўғрисидаги ахборотда у эълон қилинган пайтда кўрсатилган бўлиши керак.

Иштирокчиларға қўшимча талаблар қўйиладиган давлат харидида иштирок этиш учун иштирокчилар аккредитация тартиб-таомилидан ўтади.

Иштирокчиларни аккредитациядан ўтказиш тартиби ваколатли орган томонидан белгиланади.

31-модда. Бирғаликдаги давлат харидлари

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) бирғаликдаги давлат харидларини шакллантириш икки ва ундан ортиқ давлат буюртмачисининг давлат харидлари бўйича режаларига кўра амалға оширилады.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) бирғаликдаги давлат харидларини шакллантириш бир давлат дастурида ёки лойиҳалар портфелида иштирок этиаётган давлат буюртмачилирида амалға оширилиши керак.

32-модда. Таклифларни таъминлаш

Давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилиға нисбатан иштирокчилар томонидан таклифларнинг гаров, кафолат, закалат тарзида ёҳуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши зарурлиғи тўғрисида талаб белгилашға ҳақли.

Харид қилиш тартиб-таомилиға нисбатан иштирокчилар томонидан таклифларнинг таъминланиши зарурлиғи тарзидаги талаб барча иштирокчиларға тааллуқли бўлады ва давлат харидларининг шартларида кўрсатилады.

Давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилиға нисбатан иштирокчилар томонидан таклифларнинг таъминланиши зарурлиғи тарзида талаб белгиланган тақдирда, таклифлар юборилғунинға қадар иштирокчи таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида сўров юборишға ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўровға дарҳол жавоб беради.

Давлат буюртмачиси таклифни таъминлаш суммаси тўланишини талаб қилмайди ва таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни дарҳол қайтаради ёки қуйидаги воқеалардан бири юз бергандан кейин унинг қайтарилишини таъминлайди: таклифни таъминлашининг амал қилиш муддати тугаши; давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг қучға кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса; давлат харидларининг бекор қилиниши; таклифларни юборишнинг охириғи муддати тугағунига қадар таклифнинг чакириб олиниши, агар давлат хариди шартларида бундай қайтариб олишға йўл қўйилмаслиғи айтиб ўтилмаган бўлса.

33-модда. Музокаралар олиб боришни тақиқлаш

Харид қилиш тартиб-таомилларини амалға оширишда давлат буюртмачисининг махсус ахборот портали оператори билан ва махсус ахборот портали операторининг иштирокчи билан музокаралар олиб боришига йўл қўйилмайди.

34-модда. Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш шартлари

Давлат буюртмачиси ёки махсус ахборот портали оператори қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатadi, агар: иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-харақатнинг бажарилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилнинг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган хозирғи ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимиға ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишға ёллаш тўғрисидаги таклифни ёҳуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёҳуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришға розилик билдирса; иштирокчи рақобатлашувда адолатсиз устуникка эға бўлса ёки қонун ҳужжатларини бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса.

Давлат буюртмачисининг ёки махсус ахборот портали операторининг иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ҳисоботға киритилады ҳамда улар ҳақида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилады.

35-модда. Ғолиб бўлган таклифнинг акцепти ҳамда акцепт учун асослар

Давлат буюртмачиси ўтказилган харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича ғолиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида бир иш куни ичида қарор қабул қилады.

Ғолиб бўлган таклифнинг акцепти қуйидаги ҳолларда амалға оширилиши мумкин, агар:

давлат харидлари бекор қилинмаган бўлса; ғолиб бўлган таклифни юборган иштирокчи четлатилмаган бўлса;

харид қилиш тартиб-таомили бўзилмаган бўлса.

36-модда. Давлат харидини бекор қилиш

Давлат буюртмачиси ғолиб бўлган таклиф акцептиға қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эға. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда давлат буюртмачиси махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қилады.

Давлат буюртмачиси давлат хариди бекор қилинганлиғи учун жавобгар бўлмайди, бундан давлат хариди давлат буюртмачисининг ғайриқонуний харақатлари (харақатсизлиғи) оқибатида бекор қилинган ҳоллар мустасно.

37-модда. Махфийлик

Давлат буюртмачисининг ёки махсус ахборот портали операторининг ходими ўзининг ижрочилар ёки исталган шахс билан муносабатларида, агар ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиғи манфаатларини химоя қилиш учун зарур бўлса ёки бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунға зид бўлса, қонун ҳужжатлариға риоя этилишини таъминлашға тўсқинлик қилса, ижрочиларнинг қонуний тижорат манфаатлариға зарар етказса ёҳуд инсофли рақобатға тўсқинлик қилса, ваколатли орган бу ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, ҳеч бир ахборотни фош этмайди. Ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда ушбу қарор шартлариға риоя этилады.

Иштирокчи харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, таклифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг, таклифларини қабул қилиш муддати тугағанидан кейин эълон қилинишига розилик билдирadi.

38-модда. Одоб-ахлоқ қондалари

Давлат буюртмачилари ва махсус ахборот портали оператори давлат харидларини ўтказиш учун Одоб-ахлоқ қондаларини қабул қилиши керак, унда қуйидагилар назарда тутилadi:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чора-тадбирлари; касбий тайёргарликни текшириш тартиб-таомиллари ва унга доир талаблар.

Давлат буюртмачилари, махсус ахборот портали оператори ходимларининг, харид комиссияси аъзоларининг одоб-ахлоқи қондаларида касбға доир ва хизматдан ташқари фаолиятда одоб-ахлоқнинг ягона принциплари ва қондалари, касбий тайёргарликка доир ягона талаблар белгиланади.

Давлат буюртмачисининг ва махсус ахборот портали операторининг масъул шахслари, харид комиссияси аъзолари томонидан иштирокчилар ҳамда ижрочилардан моддий ва номоддий бойликларни олиш тақиқланади.

Одоб-ахлоқ қондалари давлат буюртмачиларининг ёки уларнинг юқори турувчи органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши лозим.

39-модда. Манфаатлар тўқнашуви

Давлат буюртмачисининг, махсус ахборот портали операторининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари харид қилиш тартиб-таомилларини амалға оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлиши мумкин бўлган исталган шахсий нафни бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эға эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар: шахсий манфаатдор эмаслигини, шунингдек ўз оила аъзоларининг манфаатдор эмаслигини кафолатлаши керак, акс ҳолда шахсий манфаатдорлик ҳамда бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида зиддият юзаға келади ёки келиши мумкин; манфаатларнинг исталган потенциал, тахмин қилинаётган ёки мавжуд тўқнашуви ҳақидаги ахборотнинг ошкор этилишини кафолатлаши керак.

Мавжуд ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар топган, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар бу ҳақда бевосита раҳбарға хабар қилиб, бир вақтининг ўзида ваколатли органи хабардор этиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиғи тўғрисида маълумотлар олган раҳбар унинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

40-модда. Давлат харидлари жараёнидаги чекловлар

Давлат харидлари жараёнида қуйидагиларға йўл қўйилмайди:

иштирокчиларни камситишга, бошқа иштирокчиларға зарар етказган ҳолда бир иштирокчига имтиёзлар ёки преференциялар беришға;

манфаатлар тўқнашувига;

давлат харидларини амалға оширишнинг рақобатға асосланмаган усулларини қонунға хилоф равишда танлашға, давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказишға, давлат харидларида иштирокчиларнинг иштирок этиши тўғрисидаги ахборотни ошкор этишға, уларнинг сонини асоссиз равишда чеклашға ёки уларнинг малакасига қўйилган талабларни оширишға, рақобатға йўл қўлмаслиқнинг, уни чеклашнинг ёки бартараф этишнинг бошқа шакллариға, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно;

нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида иштирокчиларнинг олдиндан тил бириктиришига;

ишонсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш ёки тарқатишға, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни асоссиз равишда чеклашға;

давлат харидларини амалға оширишнинг рақобатға асосланган усулларини четлаб ўтиш мақсадида давлат харидлари ҳажмини қисмларға бўлиб ташлашға;

иштирокчиларнинг сунъий тарзда пасайтирилган нархлар бўйича таклифлар беришига, кейинчалик шартномани имзолашни ёки уни тегишли тарзда ихро этишни рад этишига;

давлат хариди тарқибига технологик ва функционал жиҳатдан ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) киритишға;

фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупциянинг намоён бўлишига;

молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари мавжудлиғи тўғрисида тасдиқларға эға бўлмаган ёки ажратилган маблаглар ҳажмидан ортиқ миқдордаги давлат харидларини амалға оширишға.

41-модда. Давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестри

Махсус ахборот портали оператори махсус ахборот порталидан фойдаланиш воситасида давлат буюртмачилари томонидан тузилган шартномалар реестрини (бундан буён матнда шартномалар реестри деб юритилады) юритади.

Шартномалар реестриға қуйидаги ҳужжатлар ва ахборот киритилады:

давлат буюртмачисининг номи; молиялаштириш манбаси; ижрочини аниқлаш усули; харид қилиш тартиб-таомилининг натижалари сарҳисоб қилинадиган сана ва шартнома тузиш асосларини тасдиқловчи ҳужжатнинг реқвизитлари; шартнома тузилган сана; товар (иш, хизмат), шартнома баҳоси ва уни ижро этиш муддати, товар (иш, хизмат) бирлигининг нархи, у келиб чиққан мамлакатнинг номи ҳамда ижро этилган шартномаға доир товарни ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги ахборот;

ижрочи солиқ тўловчининг номи, фирма номи (агар мавжуд бўлса), жойлашган ери (юридик шахс учун — почта манзили), фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса), яшаш жойи (ҳисмоний шахс учун), идентификация рақами ёки чет эллик шахс учун тегишли чет давлатнинг қонун ҳужжатлариға мувофиқ ижрочи солиқ тўловчининг ўхшаш идентификация рақами, бундан тарихий, бадий ёки бошқа маданий аҳамиятға эға бўлган ва давлатнинг музей, ахборот-кутубхона, архив фондларини, кино фондларини, фотосуратлар фондларини ва шунға ўхшаш фондларни тўлдириш учун мўлжалланган маданий қимматликларни, шу жумладан музей ашёларини ва музей коллекцияларини, шунингдек ноёб ва қимматбаҳо наشرларни, қўлёзмаларни, архив ҳужжатларини (шу жумладан уларнинг кўчирма нусхаларини) етказиб берадиган ҳисмоний шахс тўғрисидаги ахборот мустасно;

шартномани ўзгартириш тўғрисидаги ахборот, шартноманинг ўзгартирилган шартлари кўрсатилган ҳолда; шартномани ижро этиш тўғрисидаги ахборот, шу жумладан шартнома учун ҳақ тўлаш, шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тегишли тарзда бажармаганлик муносабати билан молиявий санкциялар (жарималар, пенялар) ҳисобланиши тўғрисидаги ахборот;

шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ахборот, бекор қилиш сабаблари ва асослари кўрсатилган ҳолда.

Шартномалар реестридаги ахборот тўлов ундирилмаган ҳолда танишиб чиқиш учун очик бўлиши керак.

Шартномалар реестрини юритиш тартиби ваколатли орган томонидан белгиланади.

Қайси шартномалар тўғрисидаги ахборот шартномалар реестриға киритилмаган бўлса, ўша шартномалар учун ҳақ тўланмайди.

42-модда. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри ваколатли орган томонидан шакллантириладиган рўйхатдан иборат бўлиб, унга қуйидаги маълумотлар киритилады:

харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича белгиланган шартларда давлат буюртмачиси билан шартнома тузиши ва давлат харидларини амалға оширишни рад этган ёки бошқача усулда бўйин товланган харид қилиш тартиб-таомиллари ғолиблари тўғрисидаги;

мажбуриятларни бажармаганликда ёҳуд тегишли тарзда бажармаганликда белгиланган тартибда айбдор деб топилган ижрочилар ҳақи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Давлат харидлари тўғрисида

◄
(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

Махсус ахборот портали шартномани давлат буюртмачиси томонидан танланган иштирокчининг офертасида баён этилган шартларга мувофик ҳамда иштирокчилар томонидан таклиф этилган энг паст нархда шакллантиради.

Агар махсус ахборот порталида рўйхатдан ўтказилган иштирокчиларнинг ҳеч бири дастлабки таклифдан пастроқ нархни таклиф қилмаса, махсус ахборот портали давлат буюртмачиси ва ижрочи ўртасидаги битимни рўйхатдан ўтказади.

Агар харид қилиш тартиб-таомили якунига кўра электрон дўконда товар (иш, хизмат) мавжуд эмаслиги сабабли шартнома тузилмаган бўлса, давлат буюртмачиси мустақил равишда танланган етказиб берувчи билан шартнома тузиш орқали тўғридан-тўғри харидни амалга оширишга ҳақли. Бунда ушбу Қонуннинг 43-моддасида белгиланган давлат харидларининг суммаларга оид мезонлари амал қилади. Тўғридан-тўғри харид натижасида тузилган шартнома у тузилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай махсус ахборот порталига жойлаштирилиши лозим. Тўғридан-тўғри харид учун жавобгарлик давлат буюртмачисининг зиммасида бўлади.

6-бoб. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион

45-мoддa. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион тушунчаси

Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион (бундан буён матнда аукцион деб юритилади) давлат харидларининг рақобатли усули бўлиб, уни ташкил этишда нарх иштирокчини танлашнинг ягона мезони бўлади ва бунда мазкур норма товарларни белгиланган сифат стандартларига мувофиқ ҳолда етказиб бериш талабини бекор қилмайди.

Товарни эълонда баён этилган шартлар асосида энг паст нарх бўйича етказиб беришни таклиф қилган иштирокчи аукционнинг қолиби бўлади.

46-мoддa. Аукционни ўтказиш мезонлари

Аукцион воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзida бажарилган тақдирда амалга оширилади: товарнинг стандарт хусусиятларга эга бўлиши; товарнинг техник, эксплуатация қилиниш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш заруратининг мавжуд эмаслиги;

хизматларнинг, ишларнинг давлат хариди объекти бўлмаслиги;

товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан кам бўлиши. Бюджет буюртмачилари учун аукциондаги давлат харидлари бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан ортқ бўлмаслиги керак.

47-мoддa. Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон

Аукцион фақат электрон шаклда ўтказилади. Аукционда иштирок этиш учун давлат буюртмачиси махсус ахборот порталига эълон жойлаштиради.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон аукцион амалга оширилишидан камида ўн кун аввал жойлаштирилиши керак. Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

давлат буюртмачисининг номи ва манзили; аукционнинг биринчи ва охирги куни (аукцион ўтказиладиган давр); аукцион предметининг бошланғич нархи; аукцион предметининг хусусиятлари (аукцион предметининг таснифи); аукцион предметини лотлар бўйича бўлиб чиқиш ва ҳар бир лотнинг ҳажми; товарларни етказиб бериш мuddатлари ва шартлари; товарлар етказиб бериладиган жой (манзил); лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг мавжудлиги ҳақида талаб (зарур бўлганда); товарнинг ўзига хос хусусий параметрларини ифодаловчи алоҳида шартлар.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълоннинг ва давлат буюртмачиси буюртманомасининг матнига аукцион предметига таалулиги бўлмаган ва иштирокчилар ўртасида рақобатни чеклайдиган талабларни киритиш тақикланади.

Махсус ахборот порталига жойлаштирилган аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон автоматик равишда буюртмачининг буюртманомаси этиб ўзгартирилади.

48-мoддa. Аукционни ўтказиш тартиби

Аукцион махсус ахборот порталида бошланғич нархни қадам-бақадам пасайтириш йўли билан ўтказилади.

Аукционни ўтказиш, киритилган таъминот суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича аукциондан фойдаланиш, аукцион қолибларини аниқлаш, битимни рўйхатдан ўтказиш ва шартномани шакллантириш махсус ахборот портали томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

Аукционни ўтказиш чоғида иштирокчилар аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон чоп этилган кундан эътиборан ва у тамом бўладиган пайтга қадар бутун мuddат ичида нарх бўйича таклифларни чекланмаган миқдорда беришга ҳақли.

Иштирокчиларнинг номи ва улар билан боғланишга доир маълумотлар аукцион қолиби аниқланмағунига қадар махсус ахборот порталида акс эттирилмайди.

Аукцион чоғида махсус ахборот портали иштирокчилар томонидан берилган таклифлар орасидан энг паст нарх кўрсатилган таклифни автоматик равишда танабб олади, бу нарх махсус ахборот порталида акс этирилади ва аукционнинг барча иштирокчилари — давлат буюртмачилари ва ижрочилар учун очик бўлади.

Аукцион тугайдиган вақт келганда махсус ахборот портали аукцион ўтказилган вақт давомида берилган таклифлар орасида энг паст нархни таклиф қилган таклифни автоматик равишда аниқлаб олади. Энг паст нарх кўрсатилган таклифни берган иштирокчи аукцион қолиби сифатида махсус ахборот портали томонидан саралаб олинади. Ижрочининг номи махсус ахборот порталида акс этирилиб, ушбу тизим тузилган битимни автоматик равишда қайд этади ва давлат буюртмачисининг буюртманомасида баён этилган шартларга мувофиқ шартномани шакллантиради.

Агар аукционда бир нафар иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса, аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланади ва қолиб аниқланмайди, давлат буюртмачиси аукционни беш кунга узайтиради. Аукционни узайтириш аввалги аукцион тамом бўлган пайтдан эътиборан уч кун ичида давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади. Бундай ҳолда, агар харид қилиш тартиб-таомили якунларига кўра аукцион ўтказилмаган деб топилган бўлса, давлат буюртмачиси аукционни узайтирмай, ушбу Қонуннинг 52 — 57-мoддaларида назарда тутилган тартиб-таомил бўйича танловни қуйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда ўтказишга ҳақли:

ушбу Қонуннинг 46-мoддасида белгиланган давлат харидларининг суммаларига оид мезонлар амал қилади;

танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон иштирокчиларнинг таклифлари қабул қилинадиган мuddатнинг тамом бўлиш санасидан камида ўн кун олдин давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига жойлаштирилади;

давлат харидини амалга ошириш учун камида беш кишидан иборат таркибда харид комиссияси тузилади.

7-бoб. Танлов

49-мoддa. Танлов тушунчаси

Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган иштирокчи қолиб деб топиладиган харид қилиш тартиб-таомилини амалга оширишнинг тури тушунилади.

Давлат хариди тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ва танлов ҳужжатларини жойлаштириш орқали чекланмаган доирадаги шахсларга маълум қилинади.

50-мoддa. Танлов ўтказиш мезонлари

Танлов воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзida бажарилган тақдирда амалга оширилади:

товарнинг (ишининг, хизматнинг) батафсил ва аниқ таърифини таърифлаш имконияти мавжуд;

қолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади;

товар қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этади;

хизматларнинг, ишларнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этади.

Бюджет буюртмачилари учун танловдаги давлат харидлари: товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этиши керак; ишларнинг, хизматларнинг қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этиши керак.

Агар инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари билан давлат буюртмачиларига тендерни ўтказмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш ҳуқуқи берилган тақдирда, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъи назар танлов ўтказиш орқали амалга оширилади.

51-мoддa. Танлов ўтказишда харид комиссияси

Давлат харидини танлов ўтказиш орқали амалга ошириш учун камида беш нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади.

Шартномани бажариш бўйича энг яхши шартлар танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида харид комиссияси томонидан аниқланади.

52-мoддa. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон

Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон танлов иштирокчиларининг таклифларини қабул қилиш мuddати тушаидан камида ўттиз кун аввал давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қуйидаги ахборот бўлиши керак:

товарнинг (ишининг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва нархи;

танлов ўтказиладиган жой манзили; танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар; давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсининг ёки бошқа ходимларининг номи, лавозими ва манзили; танлов ҳужжатлари қоидаларини изоҳлаш учун сўров бериш шакли;

таклифларни бериш мuddати тугайдиган сана ва вақт; танлов таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар. Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ахборот ҳам бўлиши мумкин.

53-мoддa. Танлов ҳужжатлари

Танлов ҳужжатлари давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон билан бир вақтда жойлаштирилади.

Танлов ҳужжатларида қуйидагилар бўлиши керак:

танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот; шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот; танловда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги бўйича талаб; танлов иштирокчиларига танлов ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш мuddати бошланадиган ва тугайдиган сана; агар товарнинг (ишининг, хизматнинг) муқобил вариантларига йўл қўйилса, лотни алмаштириш бўйича муқобил таклифларни баҳолаш тартибининг тавсифи;

техник топшириқ; ушбу Қонунга мувофиқ иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.

Танлов ҳужжатларида давлат буюртмачиси ҳар бир товар (иш, хизмат) харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилишни эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолда давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилининг турли объектлари товарларини (ишларини, хизматларини) етказиб бериш учун танловнинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир объект учун фақат битта қолиб аниқланиши мумкин. Ҳар бир товар (иш, хизмат) учун қолиб харид қилиш тартиб-таомили шартларига кўра алоҳида-алоҳида аниқланади.

Танлов ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш мuddати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган мuddат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш мuddати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Танлов ҳужжатларида давлат буюртмачиси танлов иштирокчиларининг таклифларида барча товарлар (ишлар, хизматлар) (лотлар) бўйича таклиф бўлиши кераклигини белгилаб қўйиши мумкин. Бундай ҳолда фақат битта ижрочи танлов қолиби бўлиши мумкин, агар таклифда танловнинг барча лотлари бўйича ахборот бўлмаса, таклиф тегишли эмас деб топилади.

Товарнинг (ишининг, хизматнинг) қиймати энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ошган ҳолларда танлов

бўйича техник топшириқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази билан келишиб олиниши лозим.

54-мoддa. Танлов иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби

Махсус ахборот порталида эълон қилинган танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади.

Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танловга таклифларни қабул қилиш махсус ахборот порталида чоп этилган эълонда кўрсатилган мuddат келиши билан тугатилади.

Агар таклифлар бериш мuddати тугаган пайтда харид комиссияси томонидан танлов иштирокчиларидан танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлов ўтказилган деб топилади.

Танловда битта иштирокчи иштирок этган кам биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда танлов ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилини айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такорран амалга ошириши шарт. Товарга (ишга, хизматга) нисбатан баҳолаш шартлари, мезонлари ва талабларни ўзгартириш зарурати пайдо бўлганда харид комиссияси асосларни келтирган ҳолда тегишли қарорни қабул қилади.

Танлов иштирокчиси бундай таклифларни бериш мuddати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

55-мoддa. Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш

Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш мuddати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

Агар таклиф ушбу Қонуннинг ва танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

Агар таклифни киритган танлов иштирокчиси ушбу Қонунда белгиланган талабларга мос келмаса ёҳуд танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишонсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танловда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

Танлов қолибини танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида аниқлаш учун харид комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади.

Эълонда танловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда харид комиссияси танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш тартиб-таомили чоғида ҳозир бўлишга ҳақли.

Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришининг энг яхши шартларни таклиф қилган танлов иштирокчиси қолиб деб топилади.

Агар танлов ҳужжатларида танловнинг ҳар бир товари (иши, хизмат)и харид қилиш тартиб-таомилининг алоҳида бирлиги сифатида кўриб чиқилиши назарда тутилган бўлса, харид комиссияси қолибни танловнинг ҳар бир предмети бўйича аниқлайди.

Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қуйидаги ахборот бўлиши керак:

танлов таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт тўғрисидаги;

ҳозир бўлган харид комиссияси аъзоларининг ва танлов иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби ҳақидаги; таклифлари кўриб чиқилган танлов иштирокчилари тўғрисидаги;

таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган танлов иштирокчилари ҳақидаги;

танлов қолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги; танлов қолибининг номи (юридик шахслар учун), фамилияси, исми, отасининг исми (жисмоний шахслар учун), турган жойи (почта манзили).

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланди ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

Давлат буюртмачиси берилган таклифларни қабул қилиш тугайдиган пайтга қадар уларни муҳокама қилишга ҳақли эмас.

56-мoддa. Тендер ўрнида танлов ўтказиш хусусиятлари

Ушбу Қонун 50-мoддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда танлов қуйидаги хусусиятларга ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади:

танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон иштирокчилардан таклифлар қабул қилинадиган мuddат тугайдиган санадан камида ўн кун олдин давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига жойлаштирилади;

давлат харидини амалга ошириш учун ушбу Қонуннинг 60-мoддасида назарда тутилган тартибда харид комиссияси тузилади.

57-мoддa. Танлов натижалари бўйича шартнома тузиш

Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

8-бoб. Тендер

58-мoддa. Тендер тушунчаси

Тендер деганда давлат харидини икки босқичда амалга оширишининг рақобатли тартиб-таомили орқали ижрочини аниқлаш усули тушунилади. Бунда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ушбу тартиб-таомил натижалари бўйича қолиб деб топилади.

Давлат хариди ҳақидаги ахборотни давлат буюртмачиси тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ва тендер ҳужжатларини махсус ахборот порталига жойлаштириш орқали шахсларнинг чекланмаган доирасига маълум қилади.

Шартномани бажаришининг энг яхши шартлари тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида харид комиссияси томонидан аниқланади.

59-мoддa. Тендер ўтказиш мезонлари

Тендер воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзida бажарилган тақдирда амалга оширилади:

қолибни аниқлаш мезонлари товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нафақат пул билан баҳоланишини, балки миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланишини ҳам ўз ичига олади;

тов

БУЮК СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Бинобарин, илдишлари мусаффо булоқлардан сув ичган ниҳоллар яйраб-яшнаб кўкка бўй чўзаверади. Буюк аждодлардан мерос қадриятлар қондан-қонга ўтиб, авлодлар ҳаёти ва фаолиятида давом этади. Соҳибқироннинг мардлик, жасорат, адолат, тadbиркорлик, ватанпарварликка йўғрилган эзгу фазилатлари Президентимиз юритаётган адолатпарвар сиёсатда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

— Амир Темур ҳақида француз тарихчиси Л. Лянгле қуйилганлари ёздаи: “Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган кишилар билан суҳбатлашмиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътибор берар эди”. Буюк

аждодимизнинг маърифатли кишиларни қадрлаш, илм аҳлига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, мамлакатда таълим-тарбия ишларига жиддий эътибор қаратиш, китобхонлиқни рағбатлантириш борасидаги эзгу тутумлари замонамизга уйғун равишда рўёбга чиқаётганидан беҳад хурсандмиз, — дейди Темурийлар тарихи Давлат музейи директори, тарих фанлари номзоди Хуршид Файзиев. — Президентимиз мактабга таълим ҳамда мактаб таълимини изчил ривожлантириб боришни миллий стратегия сифатида қўраётгани, илм-фан намояндалари ва академиклар билан тез-тез учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга интилаётгани сўзимиз исботидир.

Маросимда шоир Носир Жўраев “Тарих берган нур” номли шеърини ўқиб берди. “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари томонидан ҳарбий оркестр садолари остида ижро этилган ватанпарварлик мавзuidaги қўшиқлар барчага байрамона қайғият улашди.

Қатнашчилар Амир Темур ҳайкали пойига гуллар кўйдилар.

Тadbбирда Ўзбекистон Республикаси Президентичиси Х. Султоннов иштирок этди.

Шу кун Темурийлар тарихи давлат музейида “Тангаларда акс этган тарих” номли кўргазма очилди.

Соҳибқирон таваллудига бағишланган тadbбирлар нафақат пойтахтимиз, балки Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятда бўлиб ўтмоқда. Жумладан, буюк бобомиз улғайган Қашқадарё заминида ушбу сана ҳар йилгидан-да ўзгача тарзда, кўтаринки руҳда нишонланди. Яққабғ туманининг Хўжа Илғор қишлоғидаги соҳибқирон туғилиши билан боғлиқ қадимий қудуққа туташ майдонда халқ сайли ўтказилди. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Идротида вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қашқадарё

вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Халқаро пресс-клуб томонидан “Хўжа Илғор қайта кашф қилинган тарих — янги сайёҳлик йўналиши” мавзuida ташкил этилган сайёр сессияси кун мобайнида “O‘zbekiston 24” телеканали орқали тўғридан-тўғри намоиш этиб борилди.

Майдонда миллий ҳунармандлик намуналари кўргазмаси уюштирилди, кураш, тош кўтариш, от чоптириш каби халқ ўйинлари, турли этнографик чиқишлар, Амир Темур даврини эслатувчи композиция, ўтовлар, танқил санъаткорлар иштирокида концерт дастури хорижлик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Бу каби тadbбирларнинг азалий қадриятларимизга ҳамоҳанг тарзда нишонланиши ёш авлоднинг тарихишга оид билимини, улуғ бобомиз сиймосига ҳурмат-эҳтиромини янада юксалтиради, шу билан бирга, дунё жамоатчилиги эътиборини буюк саркарда туғилиб-ўсган гўша — Хўжа Илғор қишлоғига қаратиб, бу ерда янги сайёҳлик манзилини яратишга хизмат қилади.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

«Muloqot»
мобиль иловаси —
синовда

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мобиль илова орқали мурожаатчи мурожаатни жўнатишда муаммони тезкор ҳал этишни таъминлаш мақсадида унга тегишли файлларни, хусусан, расмлар ёки ҳужжатларни қўшиб жўнатиши, шунингдек, зарур бўлганда, картада мурожаат билан боғлиқ объект жойлашган ерни кўрсатиши мумкин.

Фуқаролар мурожаатига депутатлар томонидан кўрилган чораларнинг самарадорлигини баҳолаш учун берилган жавоблар доирасида жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида ҳар бир мурожаат тегишли базага киритиб борилади.

Бугунги кунда ушбу мобиль иловадан Android операцион тизими учун beta режимида фойдаланиш мумкин бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини ёритувчи бир гуруҳ журналистларга синов тарихида фойдаланишга берилди. Яқин кунларда “Muloqot” иловаси тўлиқ синовдан ўтгандан

кейин ундан мамлакатимизнинг барча фуқароси бемалол фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

— Мазкур мобиль илова аҳолининг парламент депутатларига йўллаган электрон мурожаатларини қабул қилиш ва қайта ишлаш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилгани билан аҳамиятлидир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси Шухрат Шарифутдинов. — Чунки фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг жойида ҳал этилишига қўмақлашиш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидандир. Ушбу илова биз, депутатларга сайловчилар арзномаларини тезкорлик билан кўриб чиқишга, мавжуд ҳолат хусусида ортқча вақт сарфламасдан танишишга зарур шароит яратади. Бу эса келгусида ўзининг қўтилган самараларини бериши муқаррар.

Зиёда АШУРОВА.

Ипакчилик
ривожига
ноёб лойиҳа

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бироқ 1991 — 2016 йилларда иқтисодийдаги тузилмавий ўзгаришлар, жаҳон бозоридида ипак махсулотларига талаб сусайиши оқибатида саноатнинг мазкур тармоғида пасайиш кузатилиб, 2017 йилда 13 минг тонна пилла етиштирилди, холос. Бу ҳолатнинг салбий таъсирлари, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида минглаб иш ўринлари йўқотилиши, ваљюта оқими ҳамда аҳоли даромади камайишида намоён бўлди.

Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тadbбирлари тўғрисида”ги қарори пиллачилик ривожига янги босқич бошланишига мустақкам пойдевор ҳозирлади. Унга биноан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тadbбирлари дастури доирасида тизимдаги 20 та ипак курти уруғи ишлаб чиқариш, 40 дан ортқ пиллани қайта ишлаш корхоналари босқичма-босқич модернизация қилиниб, жаҳон бозоридида рақобатдош махсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бугун “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси томонидан ипакчилик саноатини технологик ривожлантириш, инвестициялар оқимини йўллайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш бўйича илгари сурилаётган инновацион ташаббуслар халқаро ҳамкамият диққат-эътиборидида турибди, десак, муболага бўлмайди.

Гап шундаки, “Ўзбекистон Республикаси ипакчилик секторида қўшилган қийматлар занжирини такомиллаштириш ҳамда экспорт салоҳиятини кучайтириш: қишлоқ жойларда юқори қўшилган қиймат, янги иш ўринлари ва даромад манбаини яратиш” номли ушбу лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озёк-овлат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО) билан ҳамкорликда амалга оширилди. Унинг молиялаштирилиши учун эса халқаро жағғарималар грант мабғалари ажратиш истагини билдиришаётгани диққатга сазовордир.

Санд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хизмат автомашиналари
топширилди

Урганчада Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Хоразм вилояти шаҳар ҳамда туманлар кенгашларига “Нексия” ва “Матиз” русумидаги хизмат автомашиналари топширилди.

ҚУЛАЙЛИК

— Туманимизда 43 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда услубий ёрдам кўрсатишда кенгашнинг алоҳида ўрни бор, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Богот тумани кенгаши раиси биринчи ўринбосари Эркин Рўзметов. — Давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар туфайли

худудлардаги муаммолар бартараф этилмоқда, ҳуқуқбузарликлар камайиб, ижтимоий маънавий муҳит барқарорлиги таъминланмоқда. Машиналар берилиши халқ билан мулоқотни янада мустақкамлаш, айниқса, чекка қишлоқлар аҳолисига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда фаолиятимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришимизга хизмат қилади.

Одилбек ОДАМБОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Москвада Ўзбекистонни
эслатувчи нечта маскан бор?

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Диёримиз шаҳарлари шарафига ном олган Москва кўчаларидан яна бири, бу — Самарқанд бўлваридир. Албатта, кўҳна ва ҳаммаша навқирон, йирик тарихий цивилизациялар марказларидан бири бўлган азим Самарқанд бутун дунёга машҳур. Ҳеч кимга сир эмас, чет эллик сайёҳлар боришни ҳаммаша орзу қилиб келадиган бу манзил номи билан ҳаттоки коинотдаги сайёралардан бири ҳам аталади. Бинобарин, Россияда яшаётган ўзбеклар учун ҳам Москвадаги сўлим Самарқанд бўлварини ифтихор рамзидир.

Москванинг Жануби-Шарқий худудидида жойлашган ҳамда узунлиги 2,04 километр бўлган мазкур бўлвар 1968 йил 3 сентябрдан буён Самарқанд, дея номланиб келинади. У ўзаро параллел иккита бир тарафлама ҳаракатдан иборат қўша. Ушбу бўлвар Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри Самарқандга, унинг аҳолиси, маданияти, табияти ва албатта, кўҳна тарихига катта ҳурмат тимсолига айланган.

Ўзбекистон жавоҳири Фарғона эса Москванинг Жануби-Шарқий худудидида 2,4 километрлик кўча номини беэаб турибди. Унга 1968 йилнинг 3 сентябрида шу ном берилган. Ташкилда ўтиш жоизки, Фарғона водийсига бағишлаб атал-

ган кўчалар Россиянинг бошқа шаҳрларида ҳам мавжуд. Мисол учун, Уфа, Пенза, Красноярск томонларда ҳам ана шундай жойлар бор. Барча Фарғона кўчалари ўзининг табияти, иқтидор эгалари, санъатно маданияти билан танилган, шу боис рус халқи томонидан билдирилган алоҳида эҳтиром ифодасини мужассам этади.

Москвадаги Фарғона кўчасининг қўйи қисмида ҳам, Тошкент кўчаси билан юқори кесимида қисмида ҳам Фарғона номли торқўчалар мавжуд. Зеро, Тошкент, Фарғона кўчалари, Фарғона, Тошкент торқўчалари, Самарқанд бўлварини ўзига хос кўр тўқиб турибди.

— Ўзбекистонга бир марта борганимдаёқ, уни яхши кўриб қолганман, — дейди москвалик Анастасия Шербакова. — Самарқанддаги қадимий обидаларни, меҳмондўст одамларини соғинсам, интернет орқали томоша қилиб тураман. Дугоналарим орасида ўзбекистонлик қизлар борлигидан маннунман.

Ўзбек халқига нисбатан улуғ муносабат бугунги кунда ҳам давом этаётгани Ўзбекистонинг эслатувчи кўчалар сони ортаётганидан, ёлғорликлар эса кўз қорачигидек асраб-авайланаётганидан ҳам аён. Гапимизнинг тасдиғи тариқасида Москванинг марказий худудидида қад рсталган мустақил юртимизнинг Биринчи Президенти Исом Каримов



номи билан аталувчи хиббонни айтиб ўтишимиз мумкин. Бобокалони миз Алишер Навоий ҳайкали ҳам мазкур хиббондан ўрин олган.

Буларнинг барчаси жоноҳан Ватанимизга бўлган юксак эътиборни, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг бир-бирига бўлган яқин муносабатларини, халқларимизнинг ўзаро дўстона алоқаларининг мустақкамлигини, энг муҳими, қалбларимиз ҳамоҳанглигини яққол тасдиқлаб турувчи ҳаётий исбот ҳамда далиллардир.

Гурур, фидойилик ва дахлдорлик намойиши

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида

“Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истаиди”, деган эди. Дарҳақиқат, 2017 йилда одамларимиз жамият ҳаётида туб ўзгаришларга гувоҳ бўлди, ҳар бир муаммо бўйича давлатнинг эътиборини, ғамхўрлигини ҳис қилди.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Шу боис ҳам халқимиз ижобий ўзгаришларга хайрихоҳлик билдирмоқда, мамлакат тақдирига, бугунги янгилашларда дахлдорлик ҳисси билан ёндашмоқда. Бунини “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг навбатдаги тadbқиоти ҳам тасдиқлайди. Ижтимоий сўров республиканинг барча худудини, ёшу кексаларни, юртдошларимизнинг кенг қатламини қамраб олди.

Фуқароларимиз фикрича, парламентга илк маротаба тақдим этилган Мурожаатнома ҳамда ушбу тарихий воқеанинг телевидение орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилиши мамлакатимиз аҳолисининг Ўртбосимизга, давлат бошқарувига бўлган ишончини янада мустақкамлади.

Сўров натижаларидан аён бўлишича, Мурожаатнома ўзбекистонликларни қучли ҳаяжонлантирди, ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Респондентларнинг 85 фоизи “Эъдан чиқмайдиган таассуротни, мамлакат ва Президентимиз учун гурур туйғусини ҳис қилдик”, деб жавоб беришди.

Ўртбосларимизнинг мутлақ кўпчилиги, яъни 91,7 фоизи янги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини мустақкамлаш ҳамда нуфузини юксалтириш, фуқаролар фаровонлигини оширишга хизмат қилади, шунинг учун ҳам уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашди. Респондентлар фикрича, жамиятда тинчлик ва барқарорлиқни мустақкамлаш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш,

замонавий хавфлар ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича фаолиятни кучайтириш энг муҳим ҳамда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу маънода, улар давлатимиз раҳбарининг Марказий Осийёи барқарор ривожланаётган минтақига айлантиришга доир ташаббусларини ақдиллик билан қўллаб-қувватлайди.

Тadbқиқот қатнашчиларининг 95,4 фоизи Мурожаатномада белгиланган вазифалар муваффақиятли бажарилишига қатъий ишоннади, 68,5 фоизи фикрича, бу яқин вақт ичида тўла ва самарали амалга оширилади. Шу билан бирга, юртдошларимиз мақсадларга эришиш осон бўлмаслигини яхши тушунишди. Респондентлар ислохотларга тўсиқ бўлаётган қатор муаммоларни тилга олишди. Масалан, уларнинг 30,4 фоизи айрим тузилмаларда ханузгача коррупция ҳамда тўрачилик сақланиб қолаётганини, 28,1 фоизи малакали, профессионал ва ташаббускор кадрларнинг етишмаслигини, 28,3 фоизи одамлардаги бефарқлик белгиланган режаларни ҳаётга тadbқиқ этишга монелик қилишини кўрсатиб ўтишган.

Сўровда респондентларнинг 72,2 фоизи иқтисодийни ривожлантириш, тadbбиркорлар ҳамда инвесторлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, хорижий шериклар билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтириш, ташқи бозорга Ўзбекистон бренди билан сифатили махсулот чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, минтақаларни иқтисодий ривожлантиришни асосий йўналиш, деб ҳисобла-

шадди. Юртдошларимизнинг мутлақ кўпчилиги ислохотлар ушбу йўлдаги тўсиқларни бартараф этишга ёрдам беришига ишонди.

Респондентларнинг қарийб учдан бир қисми кадрларнинг етарли даражада малакага эга эмаслиги иқтисодий ўсиш йўлида тўсиқ бўлиши муаммоларини кўрсатиб ўтишди. 28,8 фоизи иқтисодий соҳасидаги ҳуқуқий асосни такомиллаштириш керак, деган фикрда. Бундай фикрдагилар Жиззах ва Навоий вилоятларида тегишсини 58,8 ҳамда 53,3 фоизни ташкил қилди. Ҳар бешинчи респондент амалдаги кредит-молия сасатининг номуқаммаллигини миллий иқтисодийни эркинлаштиришнинг тийиб турувчи омил, деб билади. Бухоролик респондентларнинг қарийб учдан бир қисми бунга қўшилди. Юртдошларимизнинг ҳар ўнinchиси коррупциянинг олдини олиш зарурлигига ургу берди.

Ижтимоий соҳага давлат алоҳида эътибор қаратаётгани тadbқиқотда яна бир қарата аёнлашди. Бугун биз бутун мамлакат бўйлаб турархойлар, ижтимоий объектлар қуриш, шахару қишлоқларни ободонлаштириш, йўл, муҳим ҳаётий аҳамиятга эга коммуникация тармоқларини барпо этиш бўйича кенг қўлмали ишлар олиб борилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Мурожаатномада ижтимоий соҳанинг таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, туризм ҳамда дам олиш, уй-жой коммунал хўжалиги, экология каби тармоқларига катта эътибор қаратилган. Булар мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва турмуши сифати даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

Сўралганларнинг салкам 40 фоизи фикрича, жамиятдаги ижтимоий тафовутнинг олдини олиш ижтимоий ислохотларнинг пировард мақсади ҳисобланади. Бу кўрсаткич Навоий, Сирдарё ҳамда Фарғона вилоятларида тегишсини 75, 71 ва 70 фоизни ташкил қилди. Наманган вилоятида респондент-

ларнинг 62,3 фоизи аҳоли реал даромадларини оширишни ажратиб кўрсатди. Андижон ҳамда Самарқанд вилоятларидаги ҳар бешинчи респондент аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш, таълим хизматлари сифатини ошириш ижтимоий соҳанинг асосий мақсади, деб билади.

Сўров натижаларига кўра, мамлакат фуқаролари ижтимоий соҳа етарлича молиялаштирилмаётганини соҳа тараққиётига ҳалақит бераётган асосий муаммо, деб ҳисоблайди. Респондентларнинг қарийб учдан бир қисми шу фикрга мойилдир, 26 фоизи эса профессионал кадрлар етишмаслигини соҳа равнақиға тўсиқ сифатида кўрган. Коррупцияни асосий муаммо, деб билувчи респондентлар 24,1 фоизни ташкил этади. Сўралганларнинг ярмидан кўпи (52,6 фоизи) тиббий хизмат сифатидан қониқмайдиган, учдан бири унинг қийматлигини, 17,8 фоизи муаммолар илдизи коррупция билан боғлиқлигини айтишган.

Таълим тизимидаги, жумладан, мактабгача ва мактаб таълими сифатидан қониқмаётганлар ҳам бор (41 фоиз). Респондентларнинг қайд этишича, мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактабларда болалар сонининг меъёрдан кўплиги ҳам ёш авлоднинг сифатли таҳсил олишига тўсиқлик қилади (26,8 фоиз). Бу борада коррупцияни санаб ўтганлар ҳам етарлича бўлди.

Сўров иштирокчилари фикрича, ҳаддан ташқари марказлаштирилган бошқаруванд воз кечмиш, маҳаллий ҳокимият органлари учун молиявий ва бошқа имкониятларни кенгайтириш, бошқаруving инновацион шакллари жорий қилиш йўли билан мавжуд давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини соддалаштириш, давлатнинг бизнес тузилмаларини тузишдаги иштирокчини қамайтириш, давлатнинг айрим вазифаларини хусусий секторга ўтказиш давлат

ҳамда жамият бошқаруви тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистонликларнинг кўпчилиги, яъни 89,8 фоизи давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлайди.

Респондентларнинг 90,8 фоизи суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш бўйича саъй-ҳаракатларни маъқуллайдилар. Бу ислохотлар аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончини оширишга, қонун устуворлиги таъмоилининг мустақкамланишига ёрдам беради. Аммо сўров иштирокчиларининг фикрича, айримлар ўз хизмат мавқеини суиистеъом қилиши, ҳодимлар малакаси ҳамда аҳоли ҳуқуқий маданияти етарли даражада эмаслиги тизимдаги ислохотларга соя солади. Бу борада бюрократия ва ортқча қоғозбозликнинг ҳам салбий таъсири алоҳида кўрсатиб ўтилди. Юртдошларимизнинг билдиришича, жамоатчилик назоратини кучайтириш ушбу тўсиқларни бартараф этишда муҳим ўрин тутди.

Хулоса ўрнида айтганда, сўров натижаларига кўра, халқимизнинг мутлақ кўпчилиги (91,7 фоизи) Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида белгиланган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга ҳалақит берувчи мавжуд қийинчиликлар ҳамда муаммоларнинг тўла ечим топишига ишондилар. Энг муҳими, улар Мурожаатномани ақдиллик ва ўз мамлакатини ҳамда Президентини учун гурур туйғуси билан қабул қилдилар. Бу фуқароларнинг мамлакат тараққиётда ҳал этувчи аҳамиятга эга ислохотларда фаоллик кўрсатишига мустақкам замин яратади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида тайёрланди.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Амнистия актидан фарқли равишда, афв этиш масаласини ҳал қилишдан олдин ҳар бир маҳкумнинг шахси, улар томонидан содир этилган қилмишнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси, содир қилиниш ҳолатлари ва оқибатлари, етказилган зарарнинг қопланганлиги, шунингдек, жабрланган томон ҳамда жамоатчилик муносабати ҳар томонлама ва пухта ўрганиб чиқилади.

Амалга оширилган ишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентига томонидан мамлакатимиз тарихида илк

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

«Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуриimiz бўлсин!»

Амир ТЕМУР



Яқинда Швейцариянинг Женева шаҳрида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 37-сессияси бўлиб ўтди. Унда юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соҳага оид халқаро ҳамкорликни фойдаланиш борасида изчил олиб борилаётган ишлар, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг республикамиздаги ислохотларга берган ижобий баҳоси эътироф этилди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, юксак даражали сегмент йиғилиши доирасида Ўзбекистон илк бор 2021 — 2023 йиллар мобайнида Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида сайланиш истagini билдирди.

«АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗГА АЙЛАНИШИ ШАРТ»

Озодликдаги бир дақиқа ҳам жуда қадрли



Содир этган жиноятим учун узок муддатга озодликдан маҳрум қилиндим. Қилмишларимдан қаттиқ пусаймон бўлдим. Озодликка чиқсам, фақат ҳалол меҳнат орқали оилам, фарзандларим камоли учун бор куч-ғайратимни сафарбар этаман. Деб ўзимга сўз бердим. Ана шундай пайтда Президентимизнинг афв этиш тўғрисидаги Фармони

Ғиждувон туманида туғилиб, ўрта махсус билим юртини тамомлаганимдан сўнг, йўлдан адашдим. Ислон динини ниқоб қилиб олган, аслида динимиз моҳиятини тушунмайдиган, фақат қабих ниятда бўлган ғаламисларнинг алдовига учиб, хато ишга қўл урдим.

чиққанини, менга ҳам тўғри йўлга қайтиш учун имконият берилганини эшитиб, кўзларимга ёш келди. Ташқарига чиқиб, тўйиб-тўйиб нафас олдим. Биласизми, озодликдаги бир дақиқа ҳам жуда қадрли эканини шунда янада чуқурроқ англадим.

Биздагидек бағрикенглик, меҳр-оқибат тушунчаси ҳамма жойда ҳам бўлмаса керак. Қарангки, жамиятда ўз ўрнини топиб олишнинг учун менга ҳатто иш ҳам тақлиф қилишди. Ҳозир Навоий шаҳридаги “Навоий крис-

талл туз” масъулияти чекланган жамиятида электр пайвандловчи бўлиб ишляпман. Ҳамкасбларимнинг менга муносабати жуда яхши. Буларнинг барчаси учун Президентимизга раҳмат айтаман.

Шу юрт бизни ардоқлади, кечирди. Бунга жавобан бугун борлигим билан Ватан равнақиға хисса қўшаман. Фарзандларимни ҳам комил инсонлар этиб тарбиялайман.

Ҳафиз ЭШМУРОВО.
Навоий шахри

Оила даврасидаги бахт



Умр дафтаримга доғ туширдим. Жазони ўташ жойида бу қилмишларимдан минг пусаймон бўлдим. Ота-онам, яқинларим ҳамда фарзандларим юзини эл орасида шувут қилганим боис улар ҳам руҳий азобланишди, қалблари жароҳатланди. Уйримнинг қамоқда ўтказган беш ярим йили давомида кўпдан-кўп афсуснадоматлар чекдим. Шукрки, халқимизга хос инсонпарварлик, кечиримчилик ва бағрикенглик тубайли Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 25 йиллиги арафасида Президентимизнинг Фармониға биноан афв этилиб, оилам бағрига қайтдим.

Англадимки, инсонға бе-

2012 йилда билиб-билмай диний оқимлар таъсирига берилиб, айни 36 ёшимда йўлдан адашдим. Афсуски, “қилмиш-қидирмиш”, деганларидек, ноқонуний хатти-ҳаракатларим аён бўлиб, жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди ҳукмиға биноан, озодликдан маҳрум қилиндим.

рилажак умр — энг улугъ неъмат экан. Озодлик, ҳурлик саодатиға етадигани йўқ экан. Мана шулар ҳақида ўйларканман, мен каби адашгани кечиршиб, тўғри йўлга қайтаршидек савобли ишнинг моҳиятини тўла англаб етдим. Ҳаёт йўлларимни тўғри белгилаб олишга қатъий аҳд қилдим.

Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги, адолатпарварлигининг амалий ифодаси бўлган афв тўғрисидаги ҳужжатға мувофиқ, жазони ўташ муассасасида озод этилишим билан қадрдонларим бағриға ошдиким. Термизға келиб, кейинги беш йилда шаҳарда амалга оширилган қурилиш-бунёдкорлик ишларини қўриб хайратландим. Йўллар, бинолар, тураржойлар — ҳамма-ҳаммаси жуда ажайиб, ўзгаришлар катта...

Остона ҳатлаб уйға кирарканман, менинг

ташрифим катта байрамға айланиб кетди. Дўстларим, яқинларим йўқлаб келишди. Ҳамма хурсанд.

Маҳалла-қўй ғамхўрлигида профилактик ҳисобға олиниб, Термиз шаҳар ҳокимлиги қошидаги ижтимоий кўникма маркази томонидан менға моддий кўмак ҳам ажратилди. Уларнинг ёрдами билан янги биометрик паспорт олиб, ишга жойлашдим. Умуман айтганда, жамият ҳаётидан муносиб ўрин эгаллашим учун ҳар томонлама мадд қўрсатилди.

Ҳар тонг ишға отланарканман, яқинларим қуршо-видаги тинч-осуда ҳаётим учун қайта-қайта шукроналар айтаман. Ҳамиша Юртбошимизни дуо қилаётган ота-онам қатори менинг ҳам қалбим туб-тубидан миннатдорлик туйғуларини тошиб келаверади.

Иброҳим ИБРАГИМОВ.
Термиз шахри

Ишонччи, албатта, оқлайман



Етти ёшимдан спортнинг қўл жанги бўйича шугўлланаман. Айкидо бўйича Евросий чемпио-ниман... Қисқаси, у ёғи ҳаммага маълум. Олтириқ туманида бўлган “разбор” ишлари тергов-

Олтириқ туманиға бир ўртоғим билан унинг қариндошиникиға ҳашарға бордик. Биласиз, бизда доимо дўстларға ёрдам берилади. Уша хонадонға яқинлашганимизда, кўчада жанжал устидан чиқиб қолдик ва мен ўзимни тутиб туролмадим.

ға ошди. Мени ҳам сўроқ қилишди. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни со-

дир этганликда айбдор, деб топилдим.

Ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Бу ёқда ота-онам, у томонда келажаким... Ҳаётим, режаларим, мисқоллаб йиққан обрў-эътиборни бир зумда ойи бердим, деб ўйладим. Отам собиқ ҳарбий хизматчи. Жуда ватанпарвар, ўта интизоми инсон. Мендан ҳабар олгани келганларида “Сенға бундай тарбия бермагандим-ку, қаерда хато қилдим?” деб ўзларини койидилар. Мана шу ҳолат менға жуда қаттиқ таъсир қилди.

“Қани эди, имкон бўлса-ю,

жамиятға қайтиб, фақат савобли ишлар билан ўзимни кўрсатсам”, деб ният қилардим. Президентимизнинг биз, ёшларға юксак эътибори, меҳри тубайли ана шундай имконият берилди. Гап шундаки, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилояти Кенгаши мени суд жараёнида қафилликка олди. Ишонч билдирилди. Хурсандчилигимнинг чеки йўқ.

Вилоят кенгаши қошидаги “Жасорат” клубиға аъзо бўлдим. Шу клубда бор салохиятими ишға соляяман. Ҳаммаси учун раҳмат, дейман.

Тоҳиржон ҒАНИЕВ.
Фарғона шахри

Инсон ҳуқуқлари — хорижлик экспертлар нигоҳида

Ўзбекистондаги саъй-ҳаракатлардан хушнудмиз

Мамлакатингизга 2017 йилнинг май ойида ташрифим чоғида ўзим гувоҳ бўлганларим, қолаверса, ходимларимдан эшитаётганларимни инобатға оладиган бўлсам, Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари барчамизни хурсанд қилади ва умид уйғотади ҳамда сизлар тўғри йўлда ривожланаётганингизни тасдиқлайди.



Мен Ўзбекистон Президентининг 2018 йил кузида Самарқандда Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумини ўтказишга доир

ташаббусини ҳамда мамлакатнинг 2021 — 2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзолигиға илғари сурилганини қўллаб-қувватлайман.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси инсон ҳуқуқларининг барча жаҳасини қамраб олгани алоҳида эътиборға молик. Унда

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишға оид белгиланган вазифаларни амалға оширишда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси иштирок этиши, яъни халқаро стандартлар бўйича юридик кадрларни тайёрлаш учун ўқув машғулотларини ўтказишимиз, маслаҳат-қўмак кўрсатишимиз мумкин.

Биз бундан кейин ҳам Ўзбекистон билан ҳар томонлама самарали ҳамкорликка тайёرمىз.

Зайд Раод ал-ҲУСАЙН,
Бирлашган Миллатлар
Ташкилотининг
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Олий комиссари.

Эътирофға лойиқ одимлар

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг қатор маҳбусларни, жумладан, журналистлар ҳамда фуқаролик жамияти фаолларини озод қилганини алоҳида эътироф этади.



Уз навбатида, Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари масалаларини ҳал қилиш ва фуқароларнинг давлат органлари билан мулоқот ўрнатиш имкониятларини оширишға қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Биз Ўзбекистон билан фуқаролик жамияти ўртасида мамлакатда ислохотлар дастури ҳамда ривожланиш мақсадларини илғари суришға оид ҳамкорликка қаратилган кейинги одимларни эътироф этамиз.

АҚШ Ўзбекистон Президенти томонидан минтақадаги алоқаларни яхшилаш сари ташланётган қадамларни мамнуният билан қабул қилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўшни давлатлар раҳбарлари билан учрашуви минтақанинг улкан салоҳиятини рўёбға чиқариш йўлидаги муҳим ташаббусдир. Хусусан, чегаралар делимитацияси ва демаркацияси масаласидаги олға силжиш, савдо-сотик, транспорт алоқалари ҳамда одамлар ўртасидаги алоқалар яхшиланиши диққатға сазовордир.

Ўзбекистон ўз тарихидаги янги бобға ўтар экан, Америка Қўшма Штатлари иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва инсон ҳуқуқлари соҳасида кенг қўламли ислохотлар йўлида барқарорлик ҳамда тараққиётға эришилишиға тилакдошдир.

Жон БРАУН,
АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси
жамоатчилик билан ишлаш бўлими раҳбари.

Ўзгаришлар давом этаверсин

Яқинда дастурларимизнинг бирига “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари борасида рўй бераётган янгилликлари, ўзгаришларни АҚШ, Фарб аҳли қандай баҳолайди?” деган савол келиб тушди. Умуман, сўнгги пайтларда бундай мурожаатлар тез-тез янграмоқда.



Узоқ давр мобайнида Ўзбекистон, дейилганда Вашингтонда инсон ҳуқуқлари бўйича салғабий қараш мавжуд эди. Бугунги кунға келиб, Америка расмийлари билан гаплашганимизда ва

улардан “Ўзбекистонда янги раҳбар иш бошлаганиға бир йилдан зиёд вақт бўлди, ҳозирги ислохотларни қандай баҳолайсиз?” дея сўраганимизда, улар амалға оширилаётган ишларни “Умидға, оптимизмға тўла”, деб баҳолашмоқда. Ўзбекистон таъбир билан айтганда, бу муносабатларға кўз тегмасин, деган маъно мужассам. Яъни “Мана шу ижобий тўлқин, ўзгаришлар жараёни давом этаверсин, орқаға қадам ташланмасин ҳамда Ўзбекистон дунё ва ўз халқи учун очилаверсин” мазмунидаги

муносабатларни эшитаёпмиз.

Ўтган бир йилдан ортиқ муддатда Ўзбекистонда 25 га яқин сиёсий маҳбус озод қилинди. АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси расмий равишда баёнотлар бериб, Ўзбекистон Хукуматининг бундай ташаббусларини олқийламоқда. Ва ҳозир ким билан гаплашманг, “Ўзбекистонда қонун устуворлиги таъминланиши учун олға қадамлар ташланаверсин, туб муаммоларға қарши кураш кучаяверсин”, деган фикрларни билдирмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон ташаббусларини Вашингтондаги расмийлар илқ кутиб олишяпти.

Навбаҳор ИМОМОВА,
«Америка овози» муҳбири.

Ижобий муҳит яратилди



Бугун Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида “ўзига хос баҳор”ни кечирмоқда. У ўз фаолиятининг биринчи йилидаёқ барча прогноз ва қилипларни “синдирган” ҳолда, мамлакатни янада очик қилиш учун иш бошлади.

Мақкур жараёни ўзбек халқи махсус хизматларнинг “қора рўйхати”дан ўчирилди. Бундай қилинди, қарийб уч минг киши

билан муносабатларни яхшилаш бўйича дипломатик ташаббуслар билан биргаликда мамлакат ичка-рисида ҳамда унинг ташқарисида ҳам кўпчилик кутмаган неқбилликни ўйготгани ҳолда, Ўзбекистонда янги муҳитни яратди.

Барселона халқаро муносабатлар маркази (CIDOB) томонидан тақдим этилган ахборотдан.

Саҳифа материалларини «Халқ сўзи» муҳбири Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.



ЎРМАТЛИ ЮРДОШЛАР!

«Асака» банки

жорий йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» муносабати билан ҳисобварақларни масофадан туриб бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида



миллий валютадаги
янги муддатли омонат турини
таклиф этади:

«MOBILE-UZ»

Мазкур омонат «АСАКА MOBILE» мобиль иловаси орқали расмийлаштирилади. Сиз пластик картадаги пул маблағларингизни куннинг исталган вақтида банк биносига ташриф буюрмадан омонатга ўтказишингиз ва ҳисобварақдаги маблағлар ҳаракатини масофадан туриб бошқаришингиз мумкин.

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати — 3 ой.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчининг пластик картасига ўтказиб берилади.

Омонатнинг фоиз миқдори — 14 фоиз (йиллик).

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ва хорижий валюталарда 30 дан ортиқ турда, қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банки бош офиси телефонлари:
(0-371) 120-39-81, 120-39-60.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	(0-371)	120-83-13	Наманган вилояти филиали	(0-369)	227-15-68
Автотранспорт филиали	(0-371)	120-39-95	Навоий вилояти филиали	(0-436)	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	(0-371)	140-39-36	Зарафшон филиали	(0-436)	572-40-14
Юнусобод филиали	(0-371)	221-80-67	Бухоро вилояти филиали	(0-365)	770-05-19
Сергели филиали	(0-371)	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	(0-365)	770-11-27
Тошкент вилояти филиали	(0-371)	120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	(0-366)	233-65-47
Андижон вилояти филиали	(0-374)	223-60-74	«Афросиёб» филиали	(0-366)	221-71-76
Асака филиали	(0-374)	233-21-99	Қашқадарё вилояти филиали	(0-375)	221-07-41
«Фарҳод» филиали	(0-374)	226-96-63	Сурхондарё вилояти филиали	(0-376)	770-82-12
Фарғона вилояти филиали	(0-373)	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	(0-361)	770-60-59
Марғилон филиали	(0-373)	237-62-23	Хоразм вилояти филиали	(0-362)	228-14-81
Олтиариқ филиали	(0-373)	432-19-80	Сирдарё вилояти филиали	(0-367)	225-44-03
Қўқон филиали	(0-373)	542-61-01	Жиззах вилояти филиали	(0-372)	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Асака» банки — сармоянгизнинг сақланиши
ва кўпайишини кафолатлайди!

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2018 йил 10 май куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратурасига қарашли қуйдаги автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиш тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек, уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80/725 ZDF бўлган, «Nexia CONCH» русумли.

Бошланғич баҳоси — 29 810 000 сўм.

* 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/891 FFA бўлган, «Nexia» русумли.

Бошланғич баҳоси — 29 287 000 сўм.

* 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/154 QAA (транзит рақами 23B1060) бўлган, «Nexia GL» русумли.

Бошланғич баҳоси — 26 947 000 сўм.

* 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30/731 ZDF (транзит рақами 14C6114) бўлган, «ГБА СНГ Nexia» русумли.

Бошланғич баҳоси — 28 191 000 сўм.

* 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75/530 BAA (транзит рақами 19A4963) бўлган, «Nexia» русумли.

Бошланғич баҳоси — 27 041 000 сўм.

Автотранспорт воситаси олди-сотди шартномаси асосида сотилади. Олди-сотди

шартномаси аукцион савдоси натижалари имзоланган санадан бошлаб беш кун мобайнида тузилиши шарт. Олди-сотди шартномаси бўйича тўлов олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб беш кун мобайнида 100 фоиз тўланиши зарур. Автотранспорт воситаси Тошкент шаҳри, Туркистон кўчаси, 8-«А» уйда сақланмоқда.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойида танишиш мумкин.

Ўрматли талабгорлар!

Мазкур автотранспорт воситалари аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 2018 йил 28 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳафтанинг иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдога бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО: 01018, СТИР 302159464.

Манзил:

Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.

Телефон: (0-371) 250-95-96.

Гувоҳнома № 006388.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган
очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига ДУК «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бинолари мажмуасидан фойдаланиш дирекцияси»га қарашли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уйда сақланаётган ТИЗ 1000/10 трансформатори қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 11 май куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охири мudda-ти — 2018 йил 8 май куни соат 18.00.

Аукцион савдоси голиби деб топилган шахсга

5 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, зақалат пули тўлаганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банки» ХАТБ Олмазор филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

«TOSHSHAHARNUR» давлат унитар корхонаси

томонидан 2018 йилдан бошлаб шахримизнинг марказий кўчалари, тураржой мавзелари, маҳалла кўчаларидаги мавжуд эски русумдаги ёриткичларни жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий нурдиодли энергия тежамкор ёриткичларга алмаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Ёриткичларни ёқиб-ўчириш ва назорат қилиш компьютер тизими ёрдамида марказий диспетчерлик хизмати томонидан олиб борилади. Бунинг натижасида кўча чироқлари учун сарфланаётган электр энергиясидан йилига 31 млн. кВт тежалади.

Ҳар бир маҳалла, тураржой мавзеларида, кўчаларда чироқларнинг доимий ёниши таъминланади. Барча ишлар жорий йилнинг ноябрь ойида тугатилади. Кўча ёритиш тизимларини созлаб, ишга тушириш жараёнида ёриткичларнинг ўчиб-ёнишида вақтинчалик носозликлар юзга келиши мумкинлиги боис ноқулайликлар учун олдиндан узр сўраймиз.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйдаги телефон орқали мурожаат қилиш мумкин:
(0-371) 232-20-20. Телеграмм: (+99895) 196-20-20.
www.toshshaharnur.uz

«TOSHSHAHARNUR» ДУК маъмурияти.

ТИНЕ 2018

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

23-ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

2018 йил 18 — 20 апрель

Ўзбекистон, Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ» МКК

www.tihe.uz

Дастлабки икки кун фақат
соҳа мутахассислари
таклиф этилади!



Itessa Exhibitions
Тел.: (+99871) 205-18-18.
E-mail: tihe@ite-uzbekistan.uz



ONLINE
РЎЙХАТДАН
ЎТИНГ



«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«АМКОДОР» «САЛЕО» «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган
ва универсал юклагичлар

МТЗ базасидаги
юклагичли экскаваторлар

занжирли ва гилдиракли
юршдаги экскаваторлар

санчкили
юклагичлар



Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар

гидравлика



Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 974-00-61, 974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси директори Бехзод ПИРМАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 114 172 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахриратга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахрират марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғас томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.35 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Анурова.
Мусахҳх — Ш. Машраббоев.